

## **Очиқлик соҳасини такомиллаштириш бўйича таклиф**

Давлат бюджети маблағларининг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларнинг очиқликлигини ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали фуқароларимизни ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назоратини такомиллаштиришга эришилади.

Шу боисдан мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, очиқлик тамойилларининг таъсирчан шакллари жорий этиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича бошлаган ишлар тобора қатъий ва изчил тус олмоқда.

Жумладан, Давлат молиясини бошқариш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, солиқ-бюджет тизимининг шаффофлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (кейинги ўринларда — Давлат бюджети) маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини ҳамда бюджет маблағларини тақсимлашда фуқароларимиз иштирокини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги “2020 — 2024 йилларда ўзбекистон республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 506-сон қарори қабул қилинган.

Ушбу стратегиянинг асосий мақсадларидан бири бюджет жараёнининг шаффофлиги ва бюджет маълумотларининг очиқлигини ошириб бориш, жумладан давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Парламентга тақдим этиш жараёнини такомиллаштириш ва шаффофлигини ошириш белгиланган.

Шаффофлик ва очиқлик замирида иқтисодий хавфсизлик шиори остида фаолият олиб бораётган иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳам фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бунда, бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда жамоатчилик ва парламент назоратини ошириш борасида охириги йилларда бир қатор муҳим ислохотлар амалга оширилди. Жумладан:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сон қарорига мувофиқ қуйидагилар амалиётга жорий этилди:

бюджет маблағларининг бир қисмини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган “Ташаббусли бюджетлаштириш” тизими амалиётга татбиқ этилди;

2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ахборотлари батафсил баён этилган, қонун билан тасдиқлаш амалиёти жорий этилди;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этилишидан олдин мажбурий жамоатчилик муҳокамасига қўйиш; амалиёти татбиқ этилди;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилиш жорий этилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони қабул қилинган.

Мазкур фармонга мувофиқ барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) томонидан Очиқ маълумотларни оммага чоп этиш белгиланган.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Давлат бюджетидан сарфланаётган бюджет маблағлари тўғрисидаги маълумотлар жумладан, даромад ва харажатларнинг таркибий қисимларини очиқланган ҳолда (чораклик ва йиллик) [imv.uz](http://imv.uz), Очиқ маълумотлар портали ([opendata.gov.uz](http://opendata.gov.uz)) ва Очиқ бюджет портали ([openbudget.uz](http://openbudget.uz)) ҳамда расмий ижтимоий саҳифаларида жойлаштирилиб келинмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 154-сон фармони қабул қилинган.

Мазкур фармонга мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарида (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган **Очиқлик индекси** жорий этилди.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур фармоннинг 4-иловасидаги бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга оид маълумотларнинг расмий веб-сайтда жойлаштирилишини баҳолаш бўйича масъул этиб белгиланган.

**2022 йил давр** учун **86 та** (**21 таси** вазирлик, **14 таси** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, **32 таси** давлат иштирокидаги ташиқлотлар ҳамда **19 таси** қўмита ва агентликлар) Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга оид маълумотларнинг расмий веб-сайтда жойлаштирилганлиги баҳоланди.

Баҳолаш натижаларининг таҳлилига кўра, индикатор талабларини ижро этилиши самарадорлиги **66 фоизни** (баҳоланган **86 та** субъект томонидан максимал кўрсаткичнинг тўлиқ ёки қисман бажарилмаган қисмига нисбати) ташкил этган.

Бунда, **52 таси 100 фоизни** (яшил), **2 таси 51-70 фоизни** (сарик) **32 таси 50 фоиз** (қизил) ва ундан кам кўрсаткичларни қайд этди.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг очиқлик таъминлашга қаратилган тадбирларни мониторинг қилиш ҳамда доимий равишда комплекс баҳолаш бўйича ишчи гуруҳ томонидан турли таклифлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинмоқда.

1. Ҳозирги кунда, мамлакатимиз фуқароларини ва халқаро ҳамжамият институтларини Давлат молиясини бошқариш соҳасидаги турли ҳилдаги ахборотлар билан таъминлаш мақсадида вазирликнинг [imv.uz](http://imv.uz) сайтида статистика бўлимини очиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2022й. ПФ-269-сон фармони асосида ташкил этилган Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган “Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар” рўйхати шакллантириб, ушбу маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш бўйича тегишли соҳа департаментларни белгилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

3. Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни вазирлик расмий веб-сайтларига жойлаштириш бўйича масъул этиб белгиланган ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезони асосида ходимларнинг фаолияти самарадорлиги рейтингини шакллантириш бўйича таклифлар илгари сурилмоқда.